

10-1-2019

## QUESTIONS OF IMPROVEMENT OF INTEREST RISK MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS

M. Kenjayev

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Kenjayev, M. (2019) "QUESTIONS OF IMPROVEMENT OF INTEREST RISK MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 5 , Article 8.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## QUESTIONS OF IMPROVEMENT OF INTEREST RISK MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS

The article identifies the problems associated with improving the management of interest rate risk in commercial banks and develops scientific proposals aimed at eliminating these problems.

**Keywords:** interest rate risk, interest rate, refinancing rate, inflation, commercial bank, Central Bank, devaluation, reserve requirement rate, deposit, positive GAP, negative GAP

In the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 26, 2010 No PP-1438 "On the priority directions of further reforming and improving the stability of the financial and banking system of the Republic in 2011-2015 and achieving high international rating indicators"; in particular, the introduction of new bank risk management requirements into the country's banking practice. To accomplish this task. The resolution of Board of Central Bank of the Republic of Uzbekistan "About approval of commercial banks" No. 19/14 from July 22, 2015 (Approved by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on July 6, 2015 №2693). According to the Instruction "On approval of the Regulations on Requirements for the Management of Commercial Banks Liquidity", the funds raised by the Banks must meet the price competitiveness and the maturity requirements of the assets.

Initial and simplified position of the Bank's management of contractual obligations on the direction of liquidity, when the demand for liquidity increases banks need to assess the discrepancies between the periods for repayment of their assets and liabilities in order to demonstrate and identify the key aspects of liquidity demand. Banks need to diversify their commitments (tools) to prevent their dependence on specific deposits of large enterprise clients.

It should be noted that the non-provisioning of assets and liabilities in the commercial banks of the Republic by maturity has led to a deepening of interest rate risk. The inflation rate in the Republic and the sharp increase in the refinancing rate of the Central Bank in recent years have led to an increase in the interest rates on loans by commercial banks. This, in turn, led to an increase in the interest rate risk. Annual inflation rate in the Republic of Uzbekistan, Central Bank refinancing rate and average annual interest rate of commercial banks' loans in national currency (Table 1).

Table 1

### Annual inflation rate in the Republic of Uzbekistan, Central Bank refinancing rate and average annual interest rate of commercial banks' loans in national currency, in percent [8]

INDICATORS	2014y	2015y	2016y	2017y	2018y
The rate of inflation	6,1	5,6	5,7	14,4	14,3
Central bank refinancing rate	10,0	9,0	9,0	14,0	16,0
Average annual interest rate on loans of commercial banks	12,5	11,4	11,5	18,3	20,5

Table 1 shows that in 2017 and 2018 due to high inflation in the country, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan has been forced to raise its refinancing rate. As a result, the interest rates on loans of commercial banks in the national currency increased.

### **Conclusions and Suggestions**

Inadequate balance between maturity of assets and liabilities in commercial banks of the Republic of Uzbekistan has exacerbated the problem of interest rate risk. Over the past two years (2017-2018) inflation in the country has led to an increase in the refinancing rate of the Central Bank. This, in turn, increased the interest rates on loans by commercial banks in national currency.

In our opinion, the following measures should be taken to improve the practice of interest rate risk management in commercial banks of the republic:

1. Commercial banks should be allowed to take deposits and issue loans at floating rates in national currency. In order to introduce deposits and loans at floating rates, firstly, it is necessary to develop the market for national loan capital; Secondly, it is necessary to reduce the level of mandatory reserve requirements for commercial banks deposits of the Central Bank.

2. It is necessary to clearly evaluate the impact of changes in interest rates and asset volatility on net interest income through the introduction of GEP analysis in banking practice.

This analysis will determine the impact of interest rates and changes in the balance sheet structure on net interest income.

**М.Ғ.Кенжаев - ТМИ катта ўқитувчиси**

### **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФОИЗ РИСКИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада тижорат банкларида фоиз рискени бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:**фоиз рискени, фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, инфляция, тижорат банки, Марказий банк, девальвация, мажбурий захира ставкаси, депозит, ижобий ГЭП, салбий ГЭП.

### **АКТУАЛНЫЕ ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯМ ПРОЦЕНТНЫМ РИСКОМ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

В статье выявлены проблемы, связанных с совершенствованием управления процентным риском в коммерческих банков и разработаны научные предложения, направленных на устранение этих проблем.

**Ключевые слова:** процентный риск, процентная ставка, ставка рефинансирования, инфляция, коммерческий банк, Центральный банк, девальвация, ставка обязательного резерва, депозит, положительный ГЭП, отрицательный ГЭП.

### **Кириш**

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиёти тажрибаси кўрсатадики, тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискани бошқариш амалиётини такомиллаштириш банкларнинг депозит-ссуда операцияларини ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, банклар фаолиятидаги фоиз рискани бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискани бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар, амалий тавсиялар шакллантирилган.

Г.Ахмадеев ва Д.Шакировларнинг хулосасига кўра, тижорат банклари ҳар доим фоиз рискига дучор бўладилар, чунки, банклар томонидан берилган кредитларни ҳар доим мувозанатлаштиришнинг иложи йўқ. Бу эса, фоиз рискани бошқаришни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради [2].

Р.Евстратов банклар фаолиятидаги фоиз рискани такомиллаштиришнинг куйидаги йўллариини таклиф қилган:

- кредит шартномаларида фоиз ставкаларини пул бозорининг янги шароитларига мослаштириш қондасидан фойдаланиш керак;
- баланс таркибининг ўзгаришини бошқариш;
- фоиз рискани қоплаш миқдорини аниқлаш, яъни баланснинг актив қисмида фоиз rischi пайдо бўлса, у ҳолда, баланснинг пассиивида уни қоплаш миқдорини шакллантириш керак [3].

Фикримизча, Р.Евстратов фоиз рискани бошқаришнинг муҳим жиҳатларини эътироф этган. Аммо, фоиз рискани бошқаришнинг сузувчи ставкадаги депозитлар ва кредитлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш каби муҳим усулини эътироф этмаган.

К.Курилов ва А.Куриловларнинг хулосасига кўра, фоизли маржани бошқариш. Яъни фойда келтирадиган активлардан олинандиган фоизли даромадлар билан мажбуриятлар бўйича харажатлар ўртасидаги маржани назорат қилиш фоиз рискани бошқаришнинг асосий мақсадларидан бири

ҳисобланади. Маржадан ташқари, спрэдга ҳам эътиборни қаратиш муҳимдир Пировард натижада, фоиз рискинни бошқариш жараёнида гэпни ҳисобга олиш асосий масалалардан бирига айланади[4].

Т.Макшанованинг фикрига кўра активлар ва пасивларни муддатларига кўра мувофиқлаштириш фоизли спрэдни қатъий белгилаш имконини беради. Бу эса, фоиз рискинни нейтраллаштириш имконини беради [5].

Фикриимзча, Т.Макшанованинг ушбу хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, республикада тижорат банкларида активлар ва пасивларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминланмаганлиги фоиз рискинни муаммосининг чуқурлашишига олиб келган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Базель қўмитасининг 1997 йилда ишлаб чиқилган “Фоиз ставкалари рискларини бошқариш принциплари” номли ҳужжатида фоиз рискинни юзага келтирувчи 4 омилнинг мавжудлиги эътироф этилган:

#### 1. Баҳоларнинг ўзгариш рискин.

Ушбу омил тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискинни юзага келтирувчи асосий сабаб ҳисобланади.

Бунда фоиз рискин активлар ва пасивларнинг муддатлари ўртасида номувофиқликнинг юзага келиши натижасида пайдо бўлади. Масалан, қисқа муддатли депозит ҳисобидан қатъий белгиланган ставкадаги узоқ муддатли кредит берилди. Бундай ҳолатда бозор ставкаларининг ошиши натижасида банкда соф даромад камаяди, яъни банк зарар кўради. Бунинг сабаби шундаки, берилган кредитнинг фоиз ставкаси ўзгармайди, аммо жалб қилинган депозитнинг баҳоси кўтарилади.

#### 2. Даромадлиликнинг ўзгариши.

Активлар ва пасивлар бўйича фоиз ставкаларини ўзгаришини даврий оралиқларда мос келмаслиги натижасида даромадлилик даражаси пасаяди. Масалан, тижорат банки кредит бергандан кейин ўтган маълум давр мобайнида кредитларнинг фоиз ставкаси ошади. Натижада тижорат банкида кредитлар бўйича йўқотилган даромад юзага келади.

#### 3. Базис рискин.

Базис рискин турли молиявий инструментлар бўйича олинган ва тўланган фоизларни тартибга солиш жараёнида юзага келадиган номувофиқликлар натижасида юзага келади. Масалан, бир йил муддатга берилган кредитнинг ойлик тўлови ЛИБОР ставкаси бўйича қайта баҳоланганда, ЛИБОРнинг ўзгариши базис рискинни юзага келтиради.

Халқаро ссуда капиталлари бозорида хорижий валюталардаги кредитларнинг баҳоси ҳар куни аниқланади ва турли омилларнинг таъсирида улар тебраниб туради. Бу эса, базис рискинни юзага келиши учун замин яратади.

#### 4. Опционлар билан боғлиқ бўлган рисклар.


Колл ва пут опционлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариши, банкнинг позицияси мувозанатлашмаган шароитда, зарарни юзага келтириши мумкин [6].

### **Таҳлиллар ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида илк бор Базель қўмитасининг банк назоратига оид бўлган талабларини, жумладан, банк рискларини бошқариш бўйича янги талабларини мамлакат банк амалиётига жорий этиш вазифаси қўйилди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномалари қабул қилинди.

“Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномасига биноан Банклар томонидан жалб қилинган маблағлар нархларнинг рақобатлилигига ва мажбуриятларни қайтариш муддати активларни қайтариш муддатига мос келиш талабларига жавоб бериши керак. Банк раҳбариятига ликвидлилик йўналишлари бўйича шартномавий мажбуриятларни бошланғич ва соддалаштирилган ҳолатини, ликвидлиликка бўлган талабни қачон ўсишини кўрсатиш ҳамда ликвидлиликка бўлган талабнинг асосий жиҳатларини аниқлаш мақсадида банклар ўз актив ва мажбуриятларини қайтариш муддатлари ўртасидаги номувофиқликни баҳолаб боришлари лозим. Банклар йирик корхона-мижозларнинг махсус депозитларига қарам бўлиб қолишини олдини олиш мақсадида ўз мажбуриятлари (воситалари) таркибини диверсификация қилиб боришлари лозим[7].

Таъкидлаш жоизки, республикада тижорат банкларида активлар ва пасивларнинг муддатига кўра мутаноисбликни таъминланмаганлиги фоиз рискинни чуқурлашишига олби келди (1-расм).



### 1-расм. Ўзсаноатқурилишбанкда активлар ва мажбуриятларнинг муддатига кўра таркиби, трлн. сўм [8]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда таҳлил қилинган давр моабйнида активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Бу эса, банк фаолиятидаги фоиз rischi даражасини ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, тижорат банклари активларининг муддатини жалб қилинган ресурсларнинг жалб қилинган ресурсларнинг муддатидан катта бўлиши трансформация рискинни юзага келишига олиб келади. Трансформация рискинни ўз вақтида бартараф этилмаслиги ушбу рискинни чуқурлашиб кетишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банклари томонидан давлат дастурлари доирасида берилган узоқ муддатли кредитларни қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан берилганлиги ва уларни ўз вақтида қайтмаганлиги трансформация рискинни чуқурлашиб кетишига сабаб бўлди.

Республикамизда инфляция даражаси ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини сўнгги йилларда кескин ошиб кетиши тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини ошишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, фоиз rischi даражасининг ошишига олиб келди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда[9]**

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Инфляция даражаси	6,1	5,6	5,7	14,4	14,3
Марказий банк қайта молиялаш ставкаси	10,0	9,0	9,0	14,0	16,0

Тижорат кредитларининг йиллик фоиз ставкаси	банклари ўртача	12,5	11,4	11,5	18,3	20,5
---	--------------------	------	------	------	------	------

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017 ва 2018 йилларда республикада инфляция даражасининг юқори бўлганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг қайта молиялаш ставкасини оширишга мажбур қилди. Бунинг натижасида, тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкалари ошиб кетди.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги фоиз rischi муаммосининг чуқурлашишига сабаб бўлди.

Сўнгги икки йилда (2017-2018йй.) республикада инфляция даражасининг ошиб кетганлиги Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ошишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкалари ошиб кетди.

Фикримизча, республикада тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискин бошқариш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларига миллий валютада сузувчи ставкаларда депозитлар қабул қилишга ва кредитлар беришга рухсат бериш лозим.

Сузувчи ставкаларда депозитлар ва кредитларни жорий этиш учун, биринчидан, миллий ссуда капиталлари бозорини ривожлантириш керак; иккинчидан, Марказий банкнинг тижорат банкларининг депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкалари даражасини апсайтириш керак.

2. ГЭП таҳлилини банклар амалиётига жорий қилиш орқали фоиз ставкалари даражалари ва активлар ҳажмининг ўтган даврлардаги ўзгаришини соф фоизли даромадларга таъсирини аниқ баҳолаш лозим.

Мазкур таҳлил фоиз ставкаларини, баланс таркибидаги ўзгаришларни соф фоизли даромадга таъсирини аниқлаш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Ахмадеев М. Г., Шакиров Д. Т. Экономическая безопасность в банковском секторе//Актуальные проблемы экономики и права. 2011. № 2. С. 39–45.



3. Евстратов Р.М. Место финансовых рисков в системе предпринимательских рисков коммерческих организаций//Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2013. № 3 (14). С. 38–41.

4. Курилов К. Ю., Курилова А. А. Формирование эффективной структуры организации как средство преодоления негативного влияния цикличности экономических процессов//Аудит и финансовый анализ. 2013. № 4. С. 248–253

5. Макшанова Т. В. Развитие нормативно-правового регулирования рынка деривативов в России//Экономика и социум. 2013. № 1 (6). С. 452–458.

6. BaselCommitteeonBankingSupervision. www.bis.org.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни асдиқлаш ҳақида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709) йўриқномаси. www.cbu.uz.

9. Активлар ва мажбуриятлар таркиби. www.uzpsb.uz.

8. Статистика. www.cbu.uz.